

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.I.01.11 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАСАНХОНОВА НОДИРА ИСАМЕТДИНОВНА**

**ЎЗБЕКИСТОНДА БИЛИМЛАР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ  
КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**08.00.01 - Иқтисодиёт назарияси**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on economical sciences**

**Хасанхонова Нодира Исаметдиновна**

Ўзбекистонда билимлар иқтисодиётининг концептуал асосларини  
ривожлантириш..... 3

**Хасанхонова Нодира Исаметдиновна**

Развитие концептуальных основ экономики знаний в  
Узбекистане..... 27

**Khasankhanova Nodira Isametdinovna**

The development of the conceptual foundations of the knowledge economy  
in Uzbekistan..... 53

**Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 57

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.I.01.11 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАСАНХОНОВА НОДИРА ИСАМЕТДИНОВНА**

**ЎЗБЕКИСТОНДА БИЛИМЛАР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ  
КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**08.00.01 - Иқтисодиёт назарияси**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Iqt130 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.nuu.uz](http://www.nuu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Шадманов Эркин Шерқулович**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Расулова Дилфуза Валиевна**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Гаибназарова Зумрат Талатовна**  
иктисодиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.I.01.11 рақамли илмий Кенгашнинг 2021 йил 8 октябрь соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24; (99871) 246-02-24, факс (99871) 246-90-80; e-mail: [rector@nuu.uz](mailto:rector@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (88-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100114, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24; (99871) 246-02-24, факс (99871) 246-90-80, e-mail: [rector@nuu.uz](mailto:rector@nuu.uz)).

Диссертация автореферати 2021 йил 25 сентябрь куни тарқатилди.  
(2021 йил 25 сентябрдаги 14-рақамли реестр баённомаси).



**А.М. Содиқов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Қ.Қ. Мамбетжанов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

**А.В. Вахабов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда глобаллашув жараёнлари ҳамда «Covid-19» пандемияси шароитида иқтисодиётнинг турли соҳаларида тебранишлар вужудга келиши интеллектуал ва илмий-техник салоҳиятдан янада самарали фойдаланиш заруратини вужудга келтирмоқда. Бунда эътиборли жиҳати шундаки, «...тараққий этган мамлакатлар ялпи ички маҳсулотнинг 50 фоизидан ортигини «билимлар иқтисодиёти» ҳисобидан, яъни, инновациялар ва юқори малакали кадрлар томонидан яратилаётгани бундан яққол исботламоқда»<sup>1</sup>. Жумладан, «Глобал инновацион индекс – 2020» да энг юқори пағоналарда жойлашган мамлакатларда турли соҳаларда илм-фаннинг жорий этилиши даражаси мутаносиб равишда Швейцарияда - 87,9 фоиз, Швецияда - 76,0 фоиз ва АҚШда - 72,8 фоиз, ушбу давлатларда иқтисодиётга билимларнинг таъсир даражаси эса, 50,8 фоиз, 39,7 фоиз ва 51,8 фоизга тўғри келмоқда<sup>2</sup>. Бундай ҳолат илмий тадқиқот ишланмалар ва юқори салоҳиятли мутахассисларни жалб этиш орқали интеллектуал товарларнинг фаол равишда иқтисодиётда қўлланилаётганлигидан далолат бермоқда. Шундай экан, ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида «билимлар иқтисодиёти»ни жорий этиш аҳамиятли бўлиб қолмоқда.

Жаҳон амалиётида билимлар иқтисодиётини жорий қилган мамлакатларда юқори технологиялашган тиббиёт, робототехника, сунъий интеллект, замонавий рақамли алоқа, нанотехнологиялар, микрочиплар, электротранспорт воситалари сингари йўналишларда илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг узвийлиги, инновацион соҳада эса юқори самарадорликни кўрсатмоқда. Бироқ, жаҳонда ҳозирги кунгача билимлар иқтисодиётига ёндашувнинг хилма хиллиги, уни жорий этиш механизмининг турлича даражада бўлганлиги ва ушбу масала бўйича аниқ йўналишлар ишлаб чиқилмаганлиги билан боғлиқ муҳим масалалар ўз ечимини топмаган.

Ўзбекистонда ислохотларнинг янги босқичида сўнгги йилларда билимлар иқтисодиётини ривожлантириш борасидаги қатор устувор йўналишларда илмий тадқиқот ишларини самарали олиб бориш юзасидан чора-тадбирлар белгиланмоқда. Жумладан, физика, кимё, биология, техника, компьютер дастурлари йўналишларида илм-фан ва илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Аммо, республикада амалга оширилаётган илмий тадқиқот ишлари билан инновацион соҳа орасидаги узилиш билимлар иқтисодиётини ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда. Айниқса, «...бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий фаолиятда энг катта камчилик – билим етишмаслиги, афсуски, барча соҳаларда сезилмоқда. Ҳолбуки, бирорта худудни ҳам, тармоқни ҳам замонавий

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Халқ сўзи. 2020 йил 30 декабрь. 3-б.

<sup>2</sup> The Global Innovation Index 2020: Who Will Finance Innovation? is the result of a collaboration between Cornell University, INSEAD, and the World Intellectual Property Organization (WIPO) as co-publishers, and their Knowledge Partners. 2020. - P.P. 326, 327, 339. <https://www.globalinnovationindex.org/userfiles/file/reportpdf/GII-2020/Front-and-back-covers.pdf>.

илм ва билимларсиз ривожлантириш мумкин эмас»<sup>3</sup>. Шунингдек, «...юртимиз олимларининг технологик ишланмалари ва илмий тадқиқотлар натижаларини амалиётга татбиқ этишга тармоқлар томонидан қизиқишнинг пастлиги мамлакат иқтисодиётининг технологик ривожланишига тўсик бўлмоқда ва Давлат бюджети зиммасига оғир юк бўлиб тушмоқда»<sup>4</sup>. Мазкур ҳолат республикада илм-фан, таълим соҳаларини ўзгариб бораётган шарт-шароитларга мослаштириш ва улардан мамлакат инновацион тараққиётини жадаллаштиришда самарали фойдаланиш масалаларини ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан бирига айлантирди ҳамда ушбу соҳада илмий тадқиқот ишларини янада кучайтиришни объектив зарурат эканлигини кўрсатди.

Мазкур диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 7 май ПҚ-3698-сон «Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» номли устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Билимлар иқтисодиётининг концептуал асосларини ривожлантириш масалалари алоҳида тадқиқот йўналиши сифатида хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан муайян даражада ўрганилган. Жумладан, инсон омили тўғрисидаги муаммолар илк бор У.Петти, А.Смит, Д.Рикардо<sup>5</sup>, иқтисодий ривожланишда таълимнинг табақалашган ҳолдаги роли, шахснинг сифат кўрсаткичлари, инсонни иқтисодиётда субъектив омил сифатида қарашлар Л.Вальрас, Дж.М.Кларк, Дж.Милл, У.Рошер<sup>6</sup>, юқори

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Халқ сўзи. 2020 йил 30 декабрь. 3-б.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сонли фармони. <https://www.lex.uz/docs/5073447>.

<sup>5</sup> Петти У. Экономические и статистические работы. Т. I-II. Перевод под ред. Смит М.Н. Москва: Государственное социально-экономическое издательство, 1940. -с. 323; Рикардо Д. Начало политической экономии и налогообложения. - М.: Эксмо, 2016. 1040-стр.; Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. - М.: Эксмо, 2016. -с. 255.

<sup>6</sup> Вальрас Л. Элементы чистой политической экономии. - М.: Изограф, 2000. -с. 448 (Éléments d'économie politique pure, 1874); Clark J.M. Preface to Social Economics. - New York: Farrar & Rinehart. P. 193; Милль.Дж.С. Система логики. т.т. 1-2. -М., 1914. -с.880; Рошер У. «Система помощи бедным и политика борьбы с бедностью» (System der Armenpflege und Armenpolitik, 1894. -р. 345).

технологиялар асосида билимлар иқтисодийетини шакллантириш муаммолари Д.Белл, Дж.К.Гелбрейт, П.Балажи, Дретске Фред<sup>7</sup>, янги индустриал жамият Э.Тофлер, Ф.Перру<sup>8</sup>, инсон капиталига инвестициялар Ф.Махлуп, Г.Беккер, Т.Шульц, Дж.Минцер, Т.Стюарт<sup>9</sup> ва бошқа олимлар томонидан тадқиқ қилинган.

Билимлар иқтисодийетини ривожлантиришнинг айрим амалий жиҳатлари МДХ мамлакатлари олимлари изланишларида тадқиқ этилган. Жумладан, инсон капитали муаммолари В.Т.Смирнов, И.В.Сошников, В.И.Романчин, И.В.Скоблякова<sup>10</sup>, билимлар иқтисодийетининг замонавий шарт-шароитлари Б.З.Мильнер, Т.Е.Степанова, М.Е.Ченцова<sup>11</sup>, интеллектуал капитал, ахборот ва иерархик моделлар М.Ю.Шляхтин, Д.А.Ушанов, Э.И.Хайруллина ва А.С.Муртазин<sup>12</sup>нинг илмий изланишларида ўрганилган.

Ўзбекистонда билимлар иқтисодийети ривожланишининг назарий жиҳатлари С.С.Ғуломов, Б.Ш.Усмонов, Х.П.Абулқосимов<sup>13</sup>, инсон капитали ривожланишининг моҳияти ва унинг амал қилиш қонуниятлари К.Х.Абдурахмонов, Н.К.Зокирова, А.А.Мадалиев, М.Э.Пўлатов, Д.А.Рахмонов<sup>14</sup>, инновацион ишланмаларни иқтисодийёт тармоқларига жорий

---

<sup>7</sup> Bell D. Notes on the Post-Industrial Society // The Public Interest. - 1967. №7; Гэлбрейт, Дж. К. Новое индустриальное общество // The New Industrial State (1967). 2004. -с. 608. ISBN 5-17-024777-X; Balaji P. The transformation and structure of the high technology industrial complex. California: University of California, 1999; Dretske Fred I. Knowledge and the flow of information. // Stanford: CSLI publ., Cop. 1999.

<sup>8</sup> Тофлер, Э. Третья волна. The Third Wave, 1980. - М.: АСТ, 2010. -с. 784. (Philosophy). 5100 экз. ISBN 978-5-403-02493-8; Перру Ф. Экономическое пространство: теория и приложения // Пространственная экономика. № 2. 2007. -с.77-93.

<sup>9</sup> Махлуп Ф. Производство и распространение знаний в США. -М.: Прогресс, 1966. -с. 23; Беккер Г.С. Человеческое поведение: экономический подход. – М.: ГУ ВШЭ, 2003. -с. 672. ISBN 5-7598-0173-2; Shulz T.W. Human Capital: Policy Issues and Research Opportunities. – In: Human resources. N.Y., 1975. -р. 5.; Mincer J. Investment in Human Capital and Personal Income Distribution // Journal of Political Economy, Vol. 66, No. 4 (Aug., 1958), -р. 281-302; Стюарт Т. Интеллектуальный капитал. Новый источник богатства организаций. // Пер. с английского В.Ноздриной. - М.: Поколение, 2007. -с. 31.

<sup>10</sup> Смирнов В.Т., Сошников И.В., Романчин В.И., Скоблякова И.В. Человеческий капитал: содержание, виды, оценка и стимулирование. – М.: Машиностроение-1, 2005. <http://plproject.ru/download/plproject01-04.pdf>.

<sup>11</sup> Мильнер Б. З. и др. Управление знаниями в корпорациях. -М.: Дело, 2006. -с. 144.; Степанова Т. Е. Закономерности экономики, основанной на знаниях. – Самара: Изд-во Самар, гос. экон. акад., 2005. -с. 35-36. Ченцова М.В. Особенности формирования экономики знаний в современных условиях. Автореферат диссертации на соискание учёной степени кандидата экономических наук. – М., 2008. -с. 26.

<sup>12</sup> Шляхтин М.Ю. Структуризация интеллектуального капитала в экономике знаний. Автореферат диссертации на соискание учёной степени кандидата экономических наук. – Ярославль, 2009. -с. 23; Ушанов Д.А. Иерархические и рыночные модели экономики знаний. Автореферат диссертации на соискание учёной степени кандидата экономических наук. – М., 2009. -с.25; Хайрулина Э.И. Информационная составляющая экономики знаний. Автореферат диссертации на соискание учёной степени кандидата экономических наук. – Казань, 2007. -с.23; Муртазин А.С. Институциональные основы формирования экономики знаний в России. Автореферат диссертации на соискание учёной степени кандидата экономических наук. – Пенза, 2015. -с. 23.

<sup>13</sup> Ғуломов С.С. 2017-2021 йилларда ҳаракатлар стратегиясини сифатли амалга оширишда интеллектуал салоҳият ва инновациялар роли // Иқтисодийёт ва таълим, 2018. 7-19-б.; Усмонов Б.Ш. Олий таълимнинг инновацион фаолияти ва унинг иқтисодийёт ривожланишидаги ўрни. // Иқтисодийёт ва таълим, 2018. 9-б.; Абулқосимов Х.П. Шаклланаётган бозор иқтисодийетида инсон омили ва уни фаоллаштириш йўллари. Монография. – Т.: ТМИ нашриёти, 2005. -225 б.

<sup>14</sup> Абдурахмонов К.Х., Зокирова Н.К. Человеческое развитие: Учебник. – Т.: ФГБОУ ВПО «РЭУ им.Г.В.Плеханова», 2014. -с.320; Мадалиев А.А. Иқтисодийётни бошқаришда инсон омилини фаоллаштиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмидан фойдаланишни такомиллаштириш. Иқтисодийёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2017. -28 б.; Пўлатов М.Э. Интеллектуал капитал ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш. Иқтисодийёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2017. -38 б.; Рахмонов

этиш Ш.Г.Акрамова, Д.И.Рўзиева, Д.Х.Шодиева<sup>15</sup>, кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш масалалар И.Г.Мамажонов, Н.Ж.Сотволдиев, Қ.Қ.Қуроловларнинг<sup>16</sup> илмий тадқиқотларида муайян даражада ўрганилган.

Бироқ, ҳозирги кунгача олиб борилган илмий тадқиқот ишларида Ўзбекистонда билимлар иқтисодиётининг концептуал асосларини ривожлантириш шарт-шароитлари, омиллари ва устувор йўналишларини чуқур тадқиқ этишга бағишланган комплекс махсус йўналтирилган мустақил изланишлар олиб борилмаган. Бу эса, мазкур муаммонинг ҳозирги кунда нақадар долзарб аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди ва ушбу мавзу бўйича илмий тадқиқот олиб бориш учун асос бўлди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Ўзбекистон Миллий университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ФЗ-201710231040-рақамли «Мамлакат рақобатбардошлигини ошириш асосида иқтисодий инқирозларга қарши дастурларнинг самарадорлигини ошириш йўллари» (2018-2020 й.й.) мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистонда билимлар иқтисодиётининг концептуал асосларини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

билимлар иқтисодиёти ривожланишига оид илмий-назарий қарашларни танқидий таҳлил қилиш ва ушбу категорияга муаллифлик таърифини ишлаб чиқиш;

аҳоли иқтисодий тафаккури ривожланишида билимлар иқтисодиёти концепциясининг ўрнини аниқлаш;

билимлар иқтисодиёти концепциясини ривожлантиришнинг хориж тажрибасини ўрганиш ва улардан республикада самарали фойдаланиш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистонда интеллектуал капитал ва инновацион фаолият ўртасидаги мутаносибликни таҳлил қилиш;

республикада билимлар иқтисодиётини ривожлантиришни давлат

---

Д.А. Ўзбекистонда ижтимоий соҳани молиялаштиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2018. -36 б.

<sup>15</sup> Акрамова Ш.Г. Ўзбекистонда инновацион иқтисодиёт шаклланиши шароитида инсон капиталининг ривожланиши. Монография. – Т.: Iqtisod-moliya, 2014. -180 б.; Рўзиева Д.И. Венчурли тадбиркорлик - кичик бизнес субъектлари инновацион салоҳиятини оширувчи дастак сифатида. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. –Т.: 2020. №2, 126-134 б.; Шодиева Д.Х. Миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланишини инвестициялашнинг назарий асосларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2020. -58 б.

<sup>16</sup> Мамажонов И.Г. Иқтисодий таълимда инновацион ва ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланишнинг долзарб масалалари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. – Т.: 2020. №4. 230-242 б.; Сотволдиев Н.Ж. Олий таълим сифати иқтисодий диагностикаси ва уни моделлаштириш асослари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. –Т.: 2018. №6. 1-10 б.; Қуролов Қ.Қ. Бозор муносабатлари шароитида иқтисодий таълим тизимининг такомиллашуви қонуниятлари. Иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати. -Т. 2017. -37 б.



томонидан қўллаб-қувватлаш механизмини ўрганиш;

билимлар иқтисодиёти концепциясини ривожлантиришда институционал омиллардан самарали фойдаланиш йўллари аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг илм-фан, олий таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** билимлар иқтисодиётини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнида юзага келувчи иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертация ишида илмий абстракция, анализ ва синтез, статистик таҳлил, қиссий таҳлил, дедукция, индукция, прогнозлаштириш, иқтисодий-математик усуллар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

«билимлар иқтисодиёти» категориясига илм-фан ва интеллектуал меҳнатни киритиш асосида такомиллашган муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган;

Ўзбекистоннинг «Инсон тараққиёти индекси» бўйича жаҳондаги рейтингини ҳисобга олиб, соҳада икки босқичли, юқори даражада интеграциялашган тизимни жорий этиш орқали фан, таълим ва ишлаб чиқариш узвийлигини таъминлаш асосида 2030 йилгача олий таълим сифатини ошириш асосланган;

республикада билимлар иқтисодиётини мамлакат илмий салоҳияти ва интеллектуал меҳнат рағбатлантирилишининг ҳозирги ҳолатини ҳисобга олиб, краудсорсинг ҳамда молиявий леверидж усуллари қўллаш орқали ривожлантириш асосланган;

илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари (ИТТКИ) самарадорлигини оширишда давлат-хусусий шерикчилик муносабатлари тизимини жорий қилиш асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

билимлар иқтисодиёти ривожланишида жаҳон тажрибаси ўрганилиб, Ўзбекистон учун уни ривожлантиришнинг самарали йўллари ишлаб чиқилган;

билимлар иқтисодиётини ривожлантириш бўйича турли хил ёндашув ва концепцияларни илмий тадқиқ қилиш асосида «билимлар иқтисодиётининг тўрт ғилдираги» механизми таклиф этилган;

инновацион товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчи субъектлар сони, фаолият турлари, соҳага киритилаётган инвестициялар ва шу каби қатор омиллар билан уларнинг ишлаб чиқариш ҳажми ўртасидаги боғлиқликнинг корреляцион-регрессион модели ишлаб чиқилган;

республикада таълим ресурсларини ривожлантиришда олий таълим муассасалари бакалавриат ва магистратура босқичи битирувчиларининг инновацион корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда самарали фаолият юритишининг таъсирчан механизми ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги** амалга оширилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг

математик-статистик ишонччилик интервалида текширилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган назарий ва услубий таклифлардан мамлакат инновацион сиёсатида илм-фанни жорий этиш салоҳиятини баҳолаш ва билимлар иқтисодиёти механизмини такомиллаштириш бўйича илмий аппаратни бойитиш, республикада билимлар иқтисодиётини ривожлантириш жараёнларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уни ривожлантириш усуллари ва моделларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти билимлар иқтисодиётига оид мақсадли давлат дастурларини шакллантириш, инновацион лойиҳалар ишлаб чиқиш, олий ўқув юртларида «Иқтисодиёт назарияси», «Иқтисодий таълимотлар тарихи», «Макроиқтисодиёт», «Инсон тараққиёти», «Инсон ресурсларини бошқариш» каби курслар фан дастурлари, ўқув қўлланма ва дарсликларни такомиллаштириш ҳамда ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистонда билимлар иқтисодиётининг концептуал асосларини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар асосида:

билимлар иқтисодиёти ривожланишига оид илмий-назарий ёндашувларни танқидий таҳлил қилиш асосида «билимлар иқтисодиёти» категориясига илм-фан ва интеллектуал меҳнатни киритиш асосида ишлаб чиқилган муаллифлик таърифи «Иқтисодий таълимотлар тарихи» ўқув қўлланмасига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 4 октябрдаги 892/4-120 рақамли гувоҳномаси). Мазкур илмий янгиликнинг жорий этилиши талабаларда «билимлар иқтисодиёти» категорияси ва унинг мазмун-моҳиятини англаш, мазкур масала бўйича илмий-назарий билимларни кенгайтириш, мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида илм-фан, таълим ҳамда инновацияларнинг ўрни ва ролини англаш борасида асос сифатда хизмат қилади;

Ўзбекистонда икки босқичли, юқори даражада интеграциялашган тизимни жорий этиш орқали фан, таълим ва ишлаб чиқариш узвийлигини таъминлаш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида республиканинг халқаро рейтинг ва индекслардаги «Инсон тараққиёти индекси» бўйича ўрнини яхшилаш борасида 2030 йилга қадар мўлжалланган «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 18 декабрдаги 89-03-5345-сон маълумотномаси). Мазкур илмий таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги «Инсон тараққиёти индекси» бўйича ўрнини яхшилаш юзасидан 2030 йилга қадар олий таълимни сифат жиҳатидан таъминлашга хизмат қилувчи дастур

яратилади ва истиқболда билимлар иқтисодиётини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб олиш имконини беради;

республикада билимлар иқтисодиётини мамлакат илмий салоҳияти ва интеллектуал меҳнатни рағбатлантиришнинг ҳозирги ҳолатини ҳисобга олиб, краудсорсинг ҳамда молиявий леверидж усулларини қўллаш орқали ривожлантириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг «Таълим» бўлими томонидан мамлакатда олий таълим муассасалари самарадорлигини ошириш бўйича чоратадбирлар тизимини ишлаб чиқиш жараёнида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 2 сентябрдаги 06/12-01-20/27-сон маълумотномаси). Мазкур илмий таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида меҳнат ва аҳоли бандлиги, таълим, илм-фан, инновация соҳаларида кадрлар тайёрлаш самарадорлигини оширишга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар такомиллаштирилган;

илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари (ИТТКИ) самарадорлигини оширишда давлат-хусусий шерикчилик муносабатлари тизимини жорий қилиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 2 сентябрдаги 06/12-01-20/27-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни амалиётга жорий қилиниши натижасида илм-фан ва техника ютуқларини иқтисодиёт соҳаларида инновацион технологиялар асосида жорий этиш таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертациянинг асосий илмий ва амалий натижалари 13 та илмий анжуманлар, жумладан, 6 та республика ва 7 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 33 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та ўқув қўлланма, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та илмий мақола, жумладан 11 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 153 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ҳамда

предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён этилган, тадқиқотдан олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти ёритиб берилган. Шунингдек, илмий тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, мавзу доирасида чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Билимлар иқтисодиёти концепцияси ривожланишининг илмий асослари**» деб номланиб, унда билимлар иқтисодиётининг шаклланиши ва ривожланиши тўғрисидаги турли хил назариялар эволюцияси, билимлар иқтисодиёти концепцияси ривожланишида иқтисодий тафаккурнинг ўрни ҳамда ундан самарали фойдаланишнинг хориж тажрибаси тадқиқ этилган ва тегишли хулосалар шакллантирилган.

XXI асрдан инсоният ҳаётига фаол равишда кириб келган рақамли иқтисодиёт ҳар бир давлатда ўзига хос тарзда шаклланимоқда. Бу эса, ўз навбатида, мазкур жараённинг асосини ташкил қилувчи билимлар иқтисодиёти тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти ва мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётига таъсирини ўрганиш заруратини юзага келтирди.

Билимлар иқтисодиёти категориясини ёритишда олимлар ушбу тушунчага турли хил нуқтаи-назардан ёндашганлар. Жумладан, биринчи гуруҳ олимлари<sup>17</sup> билимлар иқтисодиётини мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг янги босқичи сифатида қабул қиладилар. Иккинчи гуруҳ олимлари<sup>18</sup> эса, билимлар иқтисодиётига иқтисодий муносабат сифатида ёндашадилар. Улар билимлар иқтисодиётини фан, техника ва ахборотнинг тез суръатларда ўзгариши оқибатида янгидан вужудга келган муносабат сифатида тушунадилар. Учинчи гуруҳ олимлари<sup>19</sup> билимлар иқтисодиётига тизим сифатида ёндашадилар. Чунки, у тизимга хос барча элементларни ўз ичига олади.

Иқтисодчи С.Бергернинг фикрича, «Билимлар иқтисодиёти шундай иқтисодиётки, унда товар ва хизматларни ишлаб чиқаришдан то истеъмолчига етказиб бергунгача бўлган барча босқичларда корхона стратегик ривожланишининг асосий ресурси бўлган интеллектуал капитал, ходимларнинг илмий салоҳияти, корxonанинг фақат ўзига тегишли фан-техника ютуқлари ва ноу-хаулари ҳамда инновациялар хизмат қилади»<sup>20</sup>. Ушбу таърифда, билимлар иқтисодиёти корxonанинг стратегик ривожланишида инсонга йўналтирилган иқтисодиётга қаратилган. Инсонга йўналтирилган тизим бўйича ёндашув мавҳум тушунча эмас, балки меҳнат унумдорлигини ошириш, қайта тайёрлаш харажатларини камайтириш, янги мутахассисларни излашга асосланган тизимдир.

<sup>17</sup> Powell, Walter W.; Snellman, Kaisa (2004). The Knowledge Economy. Annual Review of Sociology. 30 (1): 199-220. doi:10.1146 // annurev.soc.29.010202.100037; Корчагин Ю.А. Современная экономика России. – Ростов-на-Дону: Феникс, 2008. -С. 59-66; Ченцова М.В. Концепция экономики знаний как новое направление формирования современной экономической парадигмы. // Вестник ФА. № 1. 2008. -С. 121.

<sup>18</sup> Смагин Ю.В. Экономика знаний и реальность. Метиор-Сити. Наука развития. № 4, 2016. -С. 39.

<sup>19</sup> The knowledge economy: what it is & what it means for I&D. August 7, 2018. Social Learning, L&D, Online Learning, Updates. <https://www.growthengineering.co.uk/the-knowledge-economy-meaning/>.

<sup>20</sup> Suzanne Berger. A Preview of the MIT Production in the Innovation Economy Report. February 22, 2013. © 2013 Massachusetts Institute of Technology.

Ю.А.Корчагин томонидан илгари сурилган таърифда билимлар иқтисодиётига инновацион иқтисодиётнинг олий тоифасига чиққан босқич сифатида қаралади<sup>21</sup>. Бу таъриф тадқиқотчи учун билимлар иқтисодиётига тарихий нуқтаи назардан янги босқич сифатида ёндашишга асос бўлди.

Билимлар иқтисодиёти тушунчасига берилган таърифлар таҳлилида иқтисодий муносабат сифатида ёндашилганлигини ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, Ю.В. Смагин: «...билимлар иқтисодиёти янги технологияларни олиб кириши мумкин бўлган мутахассисларга асосланган замонавий иқтисодий муносабатдир. Бунда локал ва глобал масалалар ечимида ҳамда эртанги кун технологияларини иқтисодиётга олиб киришда янги муносабатлар юзага келади»<sup>22</sup>, - деб таърифлайди. Бунда билимлар иқтисодиёти қачонки инсон капиталини сотиш ва сотиб олиш жараёнини акс эттирсин, у ҳолда унга иқтисодий муносабат сифатида ёндашиш мумкинлигидан келиб чиқади. Инсон капиталига инвестициялар билимлар иқтисодиёти ривожланишига ҳисса қўшади, бу ўринда эса, у муносабат шаклини олиши мумкин. Чунки, инсон капиталини ошириш, инновацион иқтисодиётни бир маромда сақлаш учун пул ва мулк муносабатларига киришиш лозим. Муаллиф таъкидлашча, Ю.В.Смагин томонидан билимлар иқтисодиётини иқтисодий муносабат шакли дейиш нотўғри, чунки, билимлар иқтисодиёти инсон хатти-ҳаракати ва капиталига асосланади. У эса ўз-ўзидан кўпайиш хусусиятига эга узлуксиз жараённи акс эттиради.

Муаллиф томонидан мамлакатимиз олимларининг билимлар иқтисодиётини ўрганишга бўлган ҳаракатлари ҳам ўрганиб чиқилди. Жумладан, Ш.Г.Акрамова, Л.М.Шарипов, Н.М.Кошанова<sup>23</sup>ларнинг илмий ишларидаги инсон капиталига оид фикларида интеллектуал товарнинг ўрни акс эттирилган.

Академик С.С.Ғуломов Ўзбекистонни инновацион ривожлантириш учун «Ақлли тадбиркор», «Ақлли иқтисодиёт», «Ақлли тиббиёт», «Ақлли таълим», «Ақлли оила», «Ақлли маҳалла», «Ақлли технологиялар» ва «Ақлли болалар»<sup>24</sup> орқали билимлар иқтисодиётини юзага келтириш мумкинлигини қайд этган. Албатта, бу фикрда «ақлли» атамаси келтирилиши тўғри, чунки замонавий билимлар иқтисодиётида «ақлли фаолият» асосий ўринни эгаллайди.

Б.Ш.Усмонов эса, билимлар иқтисодиётига ёндашилганда, илм-фан ва таълим соҳасига бош устувор йўналиш сифатида эътибор бериш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаган<sup>25</sup>. Бу эса, муаллиф учун илм-фан ва таълим соҳасига бош устувор йўналиш сифатида эътибор беришга ёрдам берди.

<sup>21</sup> Корчагин Ю.А. Современная экономика России. – Ростов-на-Дону: Феникс, 2008. -С. 69-75.; Корчагин Ю.А. Циклы развития человеческого капитала как драйверы инновационных волн. – Воронеж: ЦИРЭ, 2010. -С. 186-194.

<sup>22</sup> Смагин Ю.В. Экономика знаний и реальность. Метиор-Сити. Наука развития. № 4, 2016. -С. 39.

<sup>23</sup> Акрамова Ш.Г. Инсон капитали: моҳияти ва уни ўрганишга ёндашувлар. // Иқтисод ва молия. №10, 2011. 53-57-б.; Шарипов М.Л., Кошанова Н.М. Инсон капитали моҳияти, унинг давлат ва жамият тараққиётидаги аҳамияти. // Academic research in educational sciences. Volume 2 | ISSUE 4 | 2021. 1259-1268 - б.

<sup>24</sup> Ғуломов С.С. “2017-2021 йилларда ҳаракатлар стратегиясини сифатли амалга оширишда интеллектуал салоҳият ва инновациялар роли” // Иқтисодиёт ва таълим, 2018. 7-19-б.

<sup>25</sup> Усмонов Б.Ш. Олий таълимнинг инновацион фаолияти ва унинг иқтисодиёт ривожланишидаги ўрни. // Иқтисодиёт ва таълим, 2018. 9-б.

Билимлар иқтисодиётига берилган таърифлардаги умумий жиҳатларни ажратиб олиш орқали қуйидагича хулоса чиқариш мумкин:

- билим, илм-фан ва таълим – билимлар иқтисодиётининг асоси ҳисобланади;

- унда ишлаб чиқариш юқори технологияларга асосланади ва ўз замонасидан илгарилаб боришни назарда тутди;

- интеллектуал товар – унинг асосий маҳсулоти ҳисобланади;

- билимларни тўплаш, таҳлил ва синтез қилиш асосида янги ғоялар, инновациялар яратилади;

у янги босқичдаги иқтисодий тизимдир.

Ўрганишларни умумлаштирган ҳолда муаллиф билимлар иқтисодиётини постиндустриал босқичнинг юқори поғонаси, рақамли-ахборотлашган жамият сифатида қараб, уни ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида янги омиллар бўлган: ахборот ва билимлар (илм-фан, интеллектуал капитал) кўшилиши оқибатида вужудга келган, деб ҳисоблайди. Бу постиндустриал рақамли-ахборотлашган жамият иқтисодий ўсишни тезлаштиришга қаратилган илм-фан, таълим ҳамда инновациялардан интенсив ва самарали фойдаланишга асосланади. Умуман, юқоридаги фикр-мулоҳазалар, яъни, билимлар иқтисодиётининг ривожланиши, хусусиятлари ва шарт-шароитларини чизма шаклда қуйидагича ифодалаш мумкин (1 расм):



1-расм. Билимлар иқтисодиётининг ривожланиши, хусусиятлари ва шарт-шароитлари<sup>26</sup>

<sup>26</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

Юқоридаги расмдан шу нарса аниқ бўлмоқдаки, билимлар иқтисодиёти олдинги иқтисодий тизимлардан тубдан фарқ қилади. Унинг ривожланиши натижасида интеллектуал капитал ўсиши, турли соҳалар интеграциялашуви ва жаҳон иқтисодиётида рақобатлашув даражаси кучаяди. Билимлар иқтисодиёти ресурс ва ҳудуд чекловига дуч келмайди.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда муаллиф томонидан «билимлар иқтисодиёти» тушунчасига қуйидагича таъриф берилди: «Билимлар иқтисодиёти илм-фан ва инсон капитали ривожланишининг юқори босқичи бўлиб, аҳолини интеллектуал меҳнати асосида ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган юқори технологиялар ва сифатли хизматлар билан таъминловчи тизимдир». Ушбу таъриф юқорида турли муаллифларнинг «билимлар иқтисодиёти» категориясига берган таърифлардаги қарама-қаршиликларни бирлаштира олган. Шу билан бирга мазкур таърифда интеллектуал меҳнат билимлар иқтисодиёти ривожланишининг асосий мезони сифатида олиб чиқилган.

Диссертация ишининг иккинчи боби «Ўзбекистонда билимлар иқтисодиётининг ҳолати ва ривожланиш тенденциялари» деб номланган бўлиб, унда Ўзбекистонда билимлар иқтисодиёти концепциясини ривожлантириш шарт-шароитлари, мамлакатимизда интеллектуал капитал ва инновацион фаолиятнинг амалдаги ҳолати таҳлили ҳамда билимлар иқтисодиёти концепциясини амалга оширишда уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми ва дастаклари тадқиқ этилган ҳамда тегишли хулосалар шакллантирилган.

Ўзбекистон сўнгги йилларда халқаро рейтинг ва индексларда ўз ўрнини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқди ва уни босқичма-босқич амалга оширмоқда. Натижада республиканинг «Инсон тараққиёти индекси» бўйича халқаро рейтинглардаги ўрни ҳам ўсиш тенденциясига эга бўлди (2-расм).



**2-расм. Ўзбекистоннинг 2010-2019 йилларда инсон тараққиёти индекси кўрсаткичлари<sup>27</sup>**

<sup>27</sup> Муаллиф томонидан Human development report маълумотлари асосида тузилган.

2-расм маълумотлари 2010-2019 йилларда Ўзбекистоннинг инсон тараққиёти индекси кўрсаткичлари 0,665 дан 0,72 гача кўтарилганлигини кўрсатмоқда. Ҳозирги кунда рейтингга кирган 189 та мамлакат ичида Ўзбекистон 106 ўринни эгалайди (МДХ мамлакатлари ичида 8 ўринда, Марказий Осиё давлатлари ичида 2 ўринда туради). Агар таҳлилни инсон тараққиёти индексининг таркибий қисмлари бўйича давом эттирсак, мазкур ўсиш тенденцияси ўртача умр кўриш давомийлигининг узайиши ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМнинг ошиши туфайли юзага келганини кўришимиз мумкин. Аммо, ўртача таълим олиш давомийлиги ва кутилаётган таълим давомийлиги каби кўрсаткичлар мамлакатимизда таҳлил этилаётган даврда деярли ўзгаришсиз қолган (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Ўзбекистонда 2010-2019 йилларда инсон тараққиёти индекси таркибий қисмларининг динамикаси таҳлили<sup>28</sup>

Йиллар	2010	2012	2013	2014	2015	2017	2018	2019
<b>Кўрсаткичлар</b>								
Умр кўриш давомийлиги, ёш	68,3	68,6	68,2	68,4	69,4	71,4	71,6	71,7
Кутилаётган таълим олиш давомийлиги, субиндекс	10	10	10	11,5	12,2	12	12	12,1
Ўртача таълим олиш давомийлиги, субиндекс	11,4	11,6	11,5	10,9	12	11,5	11,5	11,8
Аҳоли жон бошига ЯИМ, АҚШ долларда	2967	3201	5227	5567	5748	6470	6462	7142

1-жадвал маълумотларидан кўришиб турганидек, таҳлил этилаётган даврда умр кўриш давомийлиги 68,3 ёшдан 71,7 ёшгача, яъни қарийб 3,5 йилга узайган, шунингдек, аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ 2,4 баробар ошган. Ушбу тенденция ижобий сифатида баҳолаб, республика аҳолисининг умумий турмуш даражаси ўсиши билан изоҳлаш мумкин. Аммо, инсон тараққиёти индекси таркибий қисмлари орасида Ўзбекистонда ўртача ва кутилаётган таълим олиш давомийлиги кўрсаткичларининг пастлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Жадвал маълумотларига асосан улар 10-12 йилни ташкил этмоқда.

Ўзбекистонда мазкур кўрсаткичларнинг нисбатан пастлиги мактаб битирувчиларининг катта қисми олий таълим билан қамраб олинмаганлиги, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқларида олий маълумотли кадрларга бўлган талаб юқори эмаслиги, кичик бизнесга эътибор юқорилиги сабаб олий маълумотли кадрларга нисбатан эҳтиёж пастлиги билан изоҳлаш мумкин. Бу республикада фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини уйғунлаштириш, мамлакатда олий таълим ва корхоналар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш заруратини юзага келтирмоқда.

Мазкур масалаларни ижобий ҳал этиш учун муаллиф ҳозирги иқтисодий рақамлаштириш шароитида республикада «фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси» электрон портфолиосини яратиш лозим, деб

<sup>28</sup> Муаллиф томонидан Human development report маълумотлари асосида тузилган.



ҳисоблайди. Ушбу портфолиони ишлаб чиқиш, амалиётга жорий этиш ва унинг самарали амал қилишида қуйидагиларни инобатга олиш зарур:

- мавжуд ишчи кучи бозори бўйича талаб ва таклифни Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари, Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш, Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирликлари сайтларида ёритиш ҳамда уларни интеграциялашган ҳолатдаги кўринишини Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги сайтига жойлаштириш;

- мавжуд [uzjob.uz](http://uzjob.uz), [myjob.uz](http://myjob.uz), [superjob.uz](http://superjob.uz), [rabota.uz](http://rabota.uz) каби сайтлардаги фаол иш ўринларини Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги сайтига интеграцион равишда жойлаштириш;

- Ўзбекистонда мавжуд барча фаолият юритаётган корхоналар, хўжалик юритувчи субъектлар ягона интеграцион реестрини яратиш. Ушбу реестрга мутахассисларга бўлган кадрлар истеъмолчиларининг вилоят ва туманлар даражасидаги объектлари тўлиқ ўрганилади ва тизимга киритилади. Истеъмолчи кадрларнинг мутахассис кадрларга талаби тўлиқ ўрганилади, тизимлаштирилади ва олий таълим муассасаларига таклифлар ишлаб чиқилади;

- олий таълим битирувчиларининг маълумотлар базасини йиғиш тизимини жорий этиш;

- Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида «фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси» электрон портфолиоси бўйича ишловчи гуруҳни ташкил этиш.

Муаллиф фикрича, бунда «фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси» электрон портфолиоси олий таълим соҳасида бир қатор ўзгаришларга олиб келади. Бу ўтган йиллар мобайнида шаклланган Университет 1.0 (бунда фақат таълим асосий ролни ўйнаган), 2.0 (таълим билан бирга илмий тадқиқот ишлари) дан Университет 3.0 (таълим, илмий фаолият ва ишлаб чиқариш боғлиқлиги)га тўлиқ ўтишга ёрдам беради. Университет 3.0 га тўлиқ ўтиш республикадаги олий таълим муассасаларини дунё рейтингда кучли 1000 таликка киритиш, фан-техника ютуқларини ишлаб чиқариш соҳаси билан бирлаштириш, илмнинг талабгирлик даражасини ошириш имконини яратади. Қўтилаётган натижалар, уларнинг илмий ва ижтимоий аҳамиятга эгаллиги олий таълим тизимида режалаштирилган дастурлар жаҳон миқёсидаги фаолият юритаётган олий таълим муассасалари тадқиқот ишларига мувофиқликни таъминлашда кўринади.

Мазкур тадқиқот ишида муаллиф томонидан «фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси» электрон портфолиосини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш механизмининг иккита босқичда амалга ошириш лозимлиги илмий асосланган:

Биринчи босқич (2020-2025 йиллар) мазкур йўналишда илмий тадқиқотлар амалга ошадиган қисм бўлиб, унда Ўзбекистонда мавжуд барча фаолият юритаётган корхоналар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ягона интеграцион реестри тузилади. Истеъмолчи ҳисобланган соҳаларнинг мутахассис кадрларга талаби чуқур ўрганилади, тизимлаштирилади ва олий

таълим муассасаларига таклифлар ишлаб чиқилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан мазкур босқичга ўтишда олий таълим тўлиқ тайёр бўлиши учун мамлакат ёшларини олий таълим билан қамраб олиш даражасини сиртки ва кечки таълим шакллариغا қабул кўрсаткичларини ошириш, масофавий таълим шаклини жорий этиш, хорижда малака оширган ёки стажировка ўтаган профессор-ўқитувчилар улушини кўпайтириш ҳисобига илм-фан ва ишлаб чиқариш узвийлигини таъминлашга замин тайёрланади.

Иккинчи босқичда (2026-2030 йиллар) Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ахборот коммуникацион технологиялар соҳасининг малакали мутахассислари билан ҳамкорликда E-Fanta'limkor электрон платформасини яратилади. Электрон платформа Fanta'limkor сайти ва мобиль иловасини қамраб олади. У веб технология ва объектга йўналтирилган дастурлаш тиллари асосида ишлаб чиқилади. Унда замонавий дастурлаш тиллари базасидан ифода этилган ASP.NET Core MVC замонавий фреймворки, php, html, Java, React js дастурлаш тилларидан ва Oracle MS SQL Server, маълумотлар базасини бошқариш тизимларидан фойдаланилади. Бундай фреймворк яратилган платформанинг Linux ва Windows операцион тизимларида муаммосиз ишлашини таъминлайди. Тизимда маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш учун маълумотлар базаси яратилади. Мобиль иловани яратишда Android тизими учун Android Studio ҳамда ios тизими учун Swift дастурларидан фойдаланилади.

Бу иккала босқичнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида нафақат Ўзбекистоннинг инсон тараққиёти индексидаги ўрни ва рейтинги, балки, шу билан бирга, олий таълимнинг жаҳон миқёсидаги даражаси ҳам ошади, Университет 3.0 га тўлиқ ўтиш таъминланади, иқтисодиёт тармоқларида фаолият юритадиган интеллектуал жиҳатдан юқори салоҳиятга эга бўлган кадрлар ҳисобига инновацион товар ва хизматлар ишлаб чиқаришга эришилади.

Диссертация ишининг учинчи боби «**Инновацион тараққиёт шароитида билимлар иқтисодиёти концепциясини ривожлантириш йўналишлари**» деб номланган бўлиб, унда билимлар иқтисодиёти концепциясини ривожлантиришда институционал омиллардан самарали фойдаланиш йўллари, Ўзбекистонда илмий тадқиқот ишларини рағбатлантиришнинг давлат ва бозор механизмини такомиллаштириш йўналишлари ўрганилган, таълим ресурсини таъминлаш орқали билимлар иқтисодиёти концепциясини ривожлантириш тадқиқ этилган ва тегишли хулосалар шакллантирилган.

Иқтисодиётнинг инновацион ривожланиш йўлига ўтиши ва республикада билимлар иқтисодиёти концепциясини ривожлантиришда инсон капитали самарадорлиги катта аҳамиятга эга. Баъзи адабиётларда объектив омиллар таъсирида, яъни, инновацион технологиялар кириб келиши, хорижий инвесторлар жалб қилиниши ва шу кабилар билан иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси ошади, деган фикрлар учрайди. Аммо, муаллиф, билимлар иқтисодиётини шакллантиришда субъектив омиллар (яъни, инсон омили) ҳам муҳим аҳамият касб этишини таъкидлайди.

Тадқиқот ишида муаллиф томонидан республикада инсон капитали самарадорлигини ошириш билан боғлиқ муаммоларни краудсорсинг асосида аниқлаб, ундан чиқишда молиявий леверидж усулини қўллаш илмий асосланган. Краудсорсинг усули инновацион ишлаб чиқариш жараёнига кенг омма, турли хил соҳаларда фаолият юритаётган олимларнинг илмий салоҳияти, билимлари ва тажрибасини муаммо ечимига замонавий ахборот технологиялари орқали жалб этишни билдиради. Краудсорсинг усулининг аҳамияти ҳозирги глобал интернет тармоғининг кенг оммалашиши шароитида ошиб бормоқда. 2018 йилда илмий-тадқиқот, фан, таълим ва инновацион соҳаларда мавжуд бўлган муаммолар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг «Таълим» бўлими томонидан краудсорсинг усули асосида глобал тармоқда сўровнома ўтказиш асосида таҳлил қилинди. Таҳлил натижалари республикада илмий фаолият билан шуғулланувчи кадрлар билан боғлиқ жиддий муаммолар мавжудлигини кўрсатди. Улар қаторига илмий фаолият билан шуғулланувчи кадрларнинг иккиламчи эҳтиёжларни қондириш учун иш ҳақи миқдорини ошириш, касаба уюшмалари томонидан улар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, солиқ ва кредит имтиёзларидан кенгрок фойдаланиш масалалари билан боғлиқ муаммоларни киритиш мумкин. Шунингдек, краудсорсинг усули 2019 йилда республикада амалга оширилган фундаментал ва амалий грантлар натижалари пастлиги ва уларнинг сифат даражасига эътибор бериш лозимлиги аниқланди.

Муаллиф мазкур тадқиқот ишида юқоридаги краудсорсинг усули ёрдамида аниқланган муаммолар республикада илм-фан, таълим ва инновацияларни рағбатлантиришда молиявий леверидж усулини самарали қўллаш мақсадга мувофиқлигини илмий асослаган. Мазкур леверидж усулини амалиётга жорий қилиниши натижасида олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтларини инфратузилмаси ҳамда моддий-техник базаси яхшиланиши асосланган. Жумладан, бу ўринда, халқаро молия институтларининг имтиёзли маблағларини жалб қилиш ҳисобига, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий ишланмаларни тижоратлаштиришга кўмаклашиш ва уларнинг эгаларини рағбатлантириш, каби йўналишларда амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ҳар қандай тадқиқот ишида муайян ходиса ва жараёнларнинг ўзгариш тенденцияларига таъсир қилувчи омиллар ва улар даражасини таҳлил қилиш илмий ишнинг салоҳиятини сезиларли даражада оширади. Шундан келиб чиққан ҳолда муаллиф, республикада билимлар иқтисодиёти ривожланишига таъсир қилувчи асосий омиллар даражасини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди. Ҳар бир омилнинг таъсир даражасини замонавий эконометрик усуллар орқали аниқлаш мумкин. Мазкур тадқиқот ишида ҳам Ўзбекистоннинг илмий саҳолияти ва унга таъсир этувчи бир қатор омиллар эконометрик баҳолаш орқали таҳлил қилинди ҳамда тегишли хулосалар чиқарилди. (2-жадвал).

**Ўзбекистонда билимлар иқтисодиётини ривожлантиришда илмий салоҳият даражасини белгиловчи омиллар<sup>29</sup>**

